

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

**Кораузак тумани ободонлаштириш бошкармаси** номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар **Р.Данияров** бир томондан кейинги ўринларда «**Буюртмачи**» деб аталиб, буюртмачи номидан ва **МЧЖ“EVRO STROY TRANS”** номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар **С.Утениязов** иккинчи томондан кейинги ўринларда «**Пудратчи**» деб аталиб, пудратчи номидан, «**Устройства уличного освещения в МСГ “Есим” Караузакского района**» жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

**Ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**Қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

**Вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**Беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома предмети.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан «**Устройства уличного освещения в МСГ “Есим” Караузакского района**» жорий таъмирлаш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома буйича ишлар қиймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори 2022 йил 16-август кунги (электрон баённома, Лот №133227) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нарҳларда (шу жумладан 15%ҚҚС 67 826 086,96 (отлимиш етти миллион саккиз юз

йигирма олти минг саксон олти сўм 96 тийин) сўм билан “Устройства уличного освещения в МСГ “Есим” Караузякского района” жорий таъмирлаш бўйича қурилиш ишларини бажариш учун жами 520 000 000 (беш юз йигирма миллион) сўмни ташкил этади. (Пудратчи С. Утениязов)

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортққка узгартирилганда.

6. Қурилиш муддати бир йилдан ортққ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

8. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоат нархдаги ишларни энг қамида 50 фоизини узининг қучи ва (ёқи) жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- 1-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-усқуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етқазиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан қелишган ҳолда шартнома тузиши шарт;

- қурилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш қироқларини урнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиб бериш ва иссиқ овқат билан таъминлаш;

- қурилиш таваққалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган қундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-усқуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- қурилиш майдонини қуриқлашни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофиқ, ҳар ҳисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига ҳисобот топшириши лозим, ақс ҳолда ҳисобот ойида 2-иловага қўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида Буюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартномани бекор қилиш амалдаги қонун доирасида қўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни уз қучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 фоиздан қўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачининг рухсатисиз ўзгартириш киритмайди. Агарда ўз хохиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиҳа смета ҳужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бирой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан ҳар ҳисобот ойнанинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида ҳисоб-фактура ва ҳисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларини молиялаштирамайди. Ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

#### **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

13. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблағлари ҳисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аниқланган қурилишнинг фойдаланишга топшириш муддати Пудратчининг ҳисоб рақамига шартнома буйича умумий қийматининг аванс пуллари қелиб тушган кундан сунг 60 (олтмиш) кунни ташкил этилади.

16. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар**

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс утказди, қолган 70 % маблағ топширилган иш ҳажмининг бажарилишига мувофиқ (ҳисоб-фактура, далолатнома асос) тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

19. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

20. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга қирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

-Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

### **VIII. Ишларни бажариш**

21. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

22. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

23. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайда булувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

24. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бандида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

25. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

26. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

28. Буюртмачи курилиш майдонида бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

29. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида ҳатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан амалга оширади.

30. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

31. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли корхоналарга топширади.

32. Пудратчи узи томонидан курилишда қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қафолатлайди.

33. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

34. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари

хамда уларнинг «Давархитекткурилишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

35. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

36. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган булса ёки кечикиб хабардор қилинган булса, у ҳолда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

37. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

38. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

39. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олинishi, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқии тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни

3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

### **IX. Ишларни куриклаш.**

40. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

41. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### **X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.**

42. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

43. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари 1 ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

44. Агар томонлар 2 ой ичида қелиша олмасалар у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.**

45. Қурилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

46. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ далолатномасини беради.

Буюртмачи қуриилши тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

47. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қелишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул қилинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

### **XII. Кафолатлар.**

49. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида қурсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улдар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада қурсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар қурсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларнитекшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш.**

#### 52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан 1 ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қупайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қура тугалланмаган қурилиш биров муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа Пудратчига бериш бўйича тақлиф беради.

### **XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.**

58. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-иловасига мувофиқ объектда ҳар ойда бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмларини бажармаган тақдирда, ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томониккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.**

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан қуриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар.**

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз қучини йукотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рұхсатисиз бирон-бир учинчи (шахс) томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар уртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралик бугинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади.

Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини узаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситасининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш деб ҳисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

69. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари буйича тузилган бош шартнома буйича мажбуриятлар сакланиб қоллиниши шарт билан мустақил амалга оширилади.

70. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

71. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиған янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб қеладиған хар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши қерак.

72. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш



майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

73. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

74. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзолаганиб ҳудудий газначилик бўлинмаларидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга кириши ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

75. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эгадир.

### **XVII. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар**

76. Тарафлар шартнома тузушда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганида сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилинмаслиққа келишиб оладилар.

77. Тарафларда шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

78. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ, муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатлар амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ( ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг ) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

79. Тарафлар давлат хизматлари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижровий ўргинлари, мансабдор шахслари ва ходимлари хар қандай вақт ва шаклда қуйдаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учунчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди): а) назорат қиливчи ўргинлардан литсензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликлар эга бўлиши ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга ҳилоф равишда олинмаган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинмаган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантирилиши, ёхуд алмаштирилиши йўли билан унинг келиб чиқиши қонуний тус бериши, бундан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; д) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, таъзияк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат ўргинларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

80. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, литсензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибютерлар, ҳуқуқшунослари, хисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйдаги ҳаракатлани амалга оширишлари шарт; -коррупциявий ҳаракатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслиқ; уларни фақат

тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

81. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар тамонидан коррупцияга қарши кўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъзийк ўтказилмаслигини қафолайдилар.

82. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларнинг 79 ва 80-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузулишига йўл кўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиш ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўшилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф тамонидан қойдабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалар ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

### **XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

#### **БУЮРТМАЧИ:**

**Корузак тумани ободонлаштириш бошқармаси**

Манзили: Корузак тумани, Ш.Абдиров кучаси 54 уй

Банк: МБББ\_ХККМ Ташкент ш.  
Х/Р:23402000300100001010\_.

МФО:00014 ИНН:204624765

Х/р 301821860352117065200110001

ОКЭД:81300 ОКОНХ 90211

Корузак Тумани Газначилик бўлими

Рахбар: \_\_\_\_\_ Р.Данияров

#### **ПУДРАТЧИ:**

**ООО "EVRO STORY TRANS"**

Манзили: г Нукус Н.Сараев №16а

Тел/Факс: +99897-353-97-92

ИНН: 306003877

Банк: Капитал банк г.Нукус

р/с: 20208000300972794001

МФО: 01038

Рахбар: \_\_\_\_\_ С.Утениязов



	<b>Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiliginı tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.</b>	
	Imzolovchi F.I.SH.	RASHID DANİYAROV SEYTMURATOVICH
	Imzolangan sana	23 авг 2022 15:12
	Hujjat kodi	<b>OU1266166610</b>
	Hulosa kodi	<b>JY3612451058</b>

**YURIDIKALÍQ ÁHMIYETKE IYE HUJJETLERDÍN NÍZAM  
HUJJETLERINE MUWAPÍQLÍGÍ HAQQÍNDA HUQÍQIY JUWMAQ**  
№ \_\_\_\_\_

1. Joybardín túri. Shártnama. (OY1266166610)
2. Joybardín atí. Pudrat shártnaması.

-Shártnama 2022-jil 16-avgust kúni ótkerilgen electron konkurs tiykarında (electron bayanlama, Lot №133227) **Qaraózek rayonlıq Abadanlastırıw basqarması** hám **МЧЖ“EVRO STROY TRANS”** ortasında jámi 520 000 000.00 (bes júz jigirma million) sum 00 tiyin kólemindegi Qaraózek rayonlı «Esim» MPJ kóshelerine jarıtıw úskenelerin satıp alıw hám ulıwma qıymattıń avans pulları pudratshınıń esap betine kelip túsken kúninen baslap 60 (alpıs) kún ishinde qurıp beriw boyınsha dúzilgen shártnama joybarı haqqında.

**Tiykar:** Ózbekstan Respublikası Puqaralıq kodeksiniń (Xojalıq shártnamaları haqqındağı ulıwma qağıydalar) 353, 631-655- statyaları, (Joybar hám qıdırıw jumısları pudrat shártnamaları haqqındağı ulıwma qağıydalar) 686-692 statyaları, Ózbekstan Respublikasınıń 2021-jil 22-aprel kúngi “Mámleketlik satıp alıwları haqqında”ğı 684-sanlı Nızamı, Ózbekstan Respublikasınıń 1998-jil 29-avgust kúngi “Xojalıq júritiwshi subyektler iskerliginiń shártnamalıq-huqıqiy bazası haqqında”ğı 670-I-sanlı hám Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2021-jil 14-sentyabrdegi “Shártnamalıq qatnasıqlardı túpten jetilistiriw is-ilájlari haqqında”ğı PF-6313-sanlı Pármanı hámde 2019-jil 04-iyundağı PQ-4351-sanlı qararı, Ministrler Kabinetiniń 2022-jil 20-may kúngi 276-sanlı qararı tastıyıqlamǵan “Mámleket satıp alıwların ámelge asırıw menen baylanıshlı tártip qağıydaların shólkemlestiriw hám ótkeriw tártibi haqqında”ğı Reje talapları tiykarında islep shıǵılǵan.

**3. Joybar islep shıǵıwshı hám kiritilgen sáne haqqındağı maǵlıwmat.**

Shártnama joybarı Qaraózek rayonlıq Abadanlastırıw basqarması tárepinen 2022-jil 21-avgust kúni islep shıǵılǵan hám «E-huquqshunos» sistemasına kiritilgen.

Joybar ámeldegi nızam hújjetlerine muwapıq islep shıǵılǵan hám onı qabıl qılıw nızamǵa muwapıq.

**Oray bashlıǵı:**

**2022-jil 23-avgust**



**A.Reymov**



## СВИДЕТЕЛЬСТВО

### О государственной регистрации юридического лица (субъекта предпринимательства)

Настоящим подтверждается, что в Единый государственный реестр субъектов предпринимательства внесена запись о создании:

Общество с ограниченной ответственностью "EVRO STROY TRANS"

(Полное наименование юридического лица – субъекта предпринимательства с указанием организационно-правовой формы)

ООО "EVRO STROY TRANS"

(Сокращенное наименование юридического лица)

18.01.2019

(число, месяц (прописью), год)

За регистрационным номером: 669515

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН): 306003877

Организационно-правовая форма:

Общество с ограниченной ответственностью

Местонахождение:

Республика Каракалпакстан, г. Нукус, N. Saraliev ko'chasi, 15a  
чу,

Свидетельство выдано:

Республика Каракалпакстан, г. Нукус, ЦЕНТР  
ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ

(Полное наименование регистрирующего органа)





«ТАСТЫЙЫҚЛАЙМАН»  
 Караозек районлық абаданластырыу  
 баскармасы баслығы  
 Р.Данияров  
 «19»август 2022-жыл

Караозек районлық абаданластырыу баскармасы «Товар-материалтық запаслар хэм ислерди хызметлерди» сатып алыу бойынша таңлау комиссиясының ен жақсы усынысларды таңлап алыу бойынша откерилген 5-санлы мәжлис баяннамасы

2022-жыл «19»августь

Караозек районы

Қатнасыўшылар  
Комиссия баслығы  
Комиссия ағзалары

(Ф.И.Ш)  
 Р.Данияров  
 К.Бийимбетов  
 А.Ахунов  
 М.Иманбаев  
 М.Бисеналиев  
 А.Акимниязов

(Лаўазымы)  
 Баскарма баслык  
 Бас инженер  
 Технадзор  
 Техбез  
 Экономист  
 Бас есапшы

Комиссия секретары

**КҮН ТӘРТИБИ:**

Караозек районлық абаданластырыу баскармасы - Таңлап алыу комиссиясы баслығы Р.Данияров мәжлисте таңлау комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам катнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлау комиссиясы мәжлиси н ашык деп жариялады.

Таңлау комиссиясы хаткери таңлау комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усынды:

Өзбекстан Республикасынын 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы «Мамлекет сатып алыўлар хаккында»ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда-Нызам) 58-статьясына мууапык ең жақсы усынысларды таңлап алыу откерилиўи хаккында арнаўлы информацийон порталында (<http://etender.uzex.uz/>) дағаза таңлап алыу катнасыўшыларының кабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрешинен жеке кабинети арқалы жайластырылган 2022 жыл 5-августь күнги 22110012133227-санлы лот бойынша 2022-жыл 16- август кунги электрон баяннамасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы «Мәмлекетлик сатып алыўлар хаккында»ғы Нызамы талапларына хэмде жокары көрсетилген мағлыўматларды есапка алып Таңлау комиссиясы

**ҚАРАР ЕТЕДИ:**

1. Караозек районлық абаданластырыу баскармасы «Есим МПЖ аймагында кошелерге тунги жарыткышларды орнатыу ушын» женил ремонт жумысларын алып барыу бойынша өткерилген таңлап алыуда таңлап алыу хужжетлеринде хэм таңлап шөртлери бойынша ең жақсы шөртлерди усынған хэм таңлап алыу женимпазы деп табылган "EVRO STROY TRANS" ЖШЖ менен 520 000 000.00 сумга (ҚҚС пенен бирге) шартнама дузилсин.
2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыу шөртлери тийкарында шөртнама дузиўден бас тартқан жағдайда шартнама дузиў хукукы кейинги катнасыўшы (резерв) етип, "PROM ENERGO" ЖШЖ белгиленсин. Бунда жеңимпаз катнасыўшы усыныс еткен суммасынан аспаған муғдарда шөртнама дузиў мүмкинлиги белгилеп койылсын.
3. Нызам талапларына мууапык таңлау катнасыўшыларының усынысларын көрип шығыу хэм бахалау мүддети усыныслар бериў тамам болыўынан 10 (он) жумыс күннен асып кетиўи мүмкин емеслиги мағлыўмат ушын кабыл етилсин.
4. Мекеменин бас есапшысы-А.Акимниязов таңлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хамде шартнама дузилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информацийон порталына ([www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz)) жайластырыу тапсырылсын.
5. Таңлау комиссиясы хаткери (А.Акимниязов), усы таңлап алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартипте сақлануыын тамийнлесин.

<u>Қатнасыўшылар</u>	(Ф.И.Ш)	Имзасы	(Лаўазымы)
<u>Комиссия баслығы</u>	Р.Данияров		Баскарма баслык
<u>Комиссия ағзалары</u>	К.Бийимбетов		Бас инженер
	А.Ахунов		Технадзор
	М.Иманбаев		Техбез
	М.Бисеналиев		Экономист
<u>Комиссия секретары</u>	А.Акимниязов		Бас есапшы